Пирмухаммадхон ибн Жонибек султон
(?-1567-й. 12-март)
(1556-1561)

Балх хокими (1546-67). Шайбонийлар хони. Унинг даврида Балх хокимлиги кучайиб тўлик мустакил хонликка айланган. Бухоро хони Абдулазиз (1540-50) Балхнинг мустакиллигини бархам бериш максадида катта харбий юришга отланган, бирок бу сафар униг вафоти туфайли колдирилган. Бухоро тахтига Мухаммадёр султон ўтказилган. Пирмухаммад таъзия билдириш учун Бухорога келиб, турли найранглар билан тахтни эгаллаб олган(1550-й. 18-август). Бирок амалдорлар ва уламоларнинг аксарияти уни кўллаб куватламаган. Жўйбор хожаларидан Хижа Мухаммад Ислом хам уни тан олмаган. Пимухаммадхон шундан сўнг Бухоро тахтига ўз кишиси – шайбонийлардан Умаргози Султон(Ўзбекхон)ни ўтказишга кўп уринган. У Бухоро оилй хукмдори сифатида бир йилча турган, лекин амирлар ва эшон Хожа Мухаммад Султондан кўмак ололмагач, Бухорони тарк этишга, тахтни яна Мухаммадёр Султонга кайтаришга мажбур бўлган. Мовароуннахрдаги ички низолар кучайган даврда (1551-56-й.) Пирмухаммад жияни Абдуллахонни (Абдуллахон II) Наврўз Ахмадхонга карши курашини кувватлаб турган. Наврўз Ахмадхоннинг ўлимидан фойдаланган Абдуллахон Бухорони эгаллаган.Пирмухаммад номига хутба ўкилган. Пирмухаммадхон 1561-йил 18-апрелгача шайбонийларнинг олий хони бўлиб колган, гарчи унинг номига хутба ўкилган ва танга пуллар зарб килинган бўлсада, у факат номига хон эди. Бадахшон ва Балхдаги нотинчликлар туфайли Пирмухаммад Балхни тарк этиб, Бухорога кела олмасди. Шунинг учун 1557-йилдан амалда Абдуллахон хукмронлик килган. Бадахшон хокими темурий Сулаймоншох 1560-й. июл-августда Балхга юриш килганда Пирмухаммадхон Абдуллахон IIдан ёрдам сўраган. Чашмаи козирон деган жойдаги жангда шайбонийлар галаба козонган. Бундан рухланган Пирмухаммадхон ТохаристондагиКундуз ва Толикон шахарларини эгаллаш максадида 1560-йил 5-сентабр ойида юриш килган. 1561-йилда Пирмухаммадхон билан Абдуллахон II ўртасида ихтилоф юзага келган, бунга сабаб Пирмухаммадхоннинг Бухорони Абдуллахон IIдан тортиб олиб, эвазига Балхни бермокчи эканлиги бўлган. Бирок бунга Пирмухаммадхоннинг ўгли Динмухаммад султон норози бўлиб, отасига крши исён кўтарган. Хожа Мухаммад Ислом хам бунга карши чиккан. Абдуллахон II Карманадан отаси Искандархонни келтириб тахтга ўтказган(1561-йил май) ва Пирмухаммад номини хутбадаб чикариб ташлаган.
Пимухаммадхон фаол ички ва Ташки сиёсат юргизган. Унинг даврида Балх хонлиги Абивард, Марв вилояти ва Термиз хисобга кенгайган. Жанубдаги Гурзувон ва Гарчистон вилоятлари чегаралари мустахкамланган.